



ИНГЛИЗ ТИЛИДА РАВИШ ВА СИФАТДА ГРАДУАЦИЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Неъматова Моҳибегим Фазлиддиновна

Бухоро давлат университети инглиз тили ўқитувчиси

dagotys@mail.ru

Аннотация: Мақолада тилшуносликда кам ўрганилган ҳодиса бўлган градуонимия ҳақида фикр боради. Хусусан, инглиз тилидаги градация, сифат ва равишдаги даражаланишлар таҳлил қилинади, уларнинг шакллари ва қўринишлари ёритилади. Инглиз тили грамматикаси осон туюлгани билан, жуда мураккаб жиҳатларга эга. Инглиз тилини ўрганишда градуацияга эътибор бериш, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш талаб этилади.

Калит сўзлар: градуация, сифатдон, даражаланиш, система, тил бирлиги, лексика.

ПРОЯВЛЕНИЕ ГРАДАЦИИ В АНГЛИЙСКОЙ НАРЕЧИИ И ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ

Неъматова Моҳибегим Фазлиддиновна

Преподаватель английского языка

Бухарского государственного университета

dagotys@mail.ru

Аннотация: В статье рассматривается малоизученное явление в языкознании - градуонимия. В частности, анализируются градации, прилагательное и наречие на английском языке, освещаются их формы и внешний вид. Хотя английская грамматика может показаться простой, в ней есть очень сложные аспекты. При изучении английского языка необходимо обращать внимание на градации, изучать её специфические аспекты.

Ключевые слова: градация, причастие, градация, система, языковая единица, лексика.

THE MANIFESTATION OF GRADATION IN THE ENGLISH ADVERBS AND ADJECTIVES

Nematova Mokhibegim Fazliddinova

ESP Teacher of the Bukhara State University

dagotys@mail.ru

Abstract: The article deals with a little-studied phenomenon in linguistics - graduonymy. In particular, gradations, adjectives and adverbs in English are analyzed, their forms and appearance are highlighted. Although English grammar may seem simple, there are some very complex aspects to it. When learning English, it is necessary to pay attention to gradations, to study its specific aspects.

Key words: gradation, participle, gradation, system, language unit, vocabulary.

Кирish.

Жахон тилшунослигида фонологик тизимда градуация ва градуонимия ҳодиса аси мукамал ўрганилмаган. Градуация хорижий тиллар даражаларида қисман қайд этилган бўлса-да, лекин улар умумлаштирувчи лингвистик градуал муносабатлар тизимига киритилмагандир. Хусусан, инглиз тилида градуонимиянинг моҳияти ва шакллари тилшунослар томонидан алоҳида махсус ўрганилмаган.



Градуация атамаси тил бирликларининг ўзаро қарама-қаршилигини уларнинг бирор бир белгисини, хусусиятини ошиб бориши ёки камайиши бўйича акс эттиради. Кўпинча у лингвистик семантик муносабатларни ифодаловчи синонимия, омонимия, антонимия каби номлар билан аталадиган тилнинг онимия қисмидан ҳосил бўлади. Латинча *gradu*- "даража, босқич" деган маънони англатади. Ҳозирги вақтда градуонимия, градуонимик муносабат, градуация атамалари тилшуносликда деярли синоним сифатида қўлланилади. Градуонимия атамаси маълум даражада роман-герман тилларида ҳам қўлланилмоқда. Бу жаҳон тилшунослигида градуонимия ходисасининг даражаланишда ўсиш ва камайишни англатадиган маънода қўлланилиши ҳам исботлайди.

Асосий қисм. Инглиз тилида градуация ходисаси сифат ва равишлар билан боғлиқдир. Ҳатти-ҳаракат сифатлари ва равиш қиёслашнинг учта даражасига (*degrees*), булар ижобий (*positive*), қиёсий (*comparative*) ва афзаллик (*superlative*) даражалари ҳисобланади. Қиёслаш даражалари сўз охирига қшимча қўшиш ёки қўшимча сўзларни қўшиш орқали ҳосил бўлади. Ижобий даража бу сифатдошнинг асосий шакли бўлиб, бу сўз лугатда қандай бўлса шундай берилади. Масалан, *loudly* - баланд, *near* - яқин. У қиёслашни ифодаламайди.

Қиёсий даража равишга -*er* бирикмасини қўшиш ёки равишдан олдин *more* сўзини қўшиш орқали ясалади. Бу икки ҳаракатни солиштирганда ишлатилиб, катта ёки кичик даражани англатади ва маълум бир белги, хусусиятнинг намоён бўлиш даражасини билдиради. Масалан, *nearer* - яқинроқ, *more loudly* - баландроқ.

Сифат ва равиш бир -бирига яқин бўлганлиги учун, уларни тилшунослар энг яқин "қариндошлар" дег деб таърифлайди. Уларнинг иккаласи ҳам нутқни бойитишга, ранг-баранг ва кизикарли қилишга ёрдам беради. улар орасидаги ягона фарқ шундаки, равиш феълни эмоционал рангга бўяйди (масалан, ёрқин, чиройли чизиш), сифат эса от сўз туркумини тавсифлайди ва шу тариқа унинг ифодалилигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади (масалан, соқин, туманли тонг).

Британ инглиз тилида *farther* ва *further* шакли қачонки сўз масофа ҳақида борганда, фарқланмайди:

He is too tired to walk any further/ farther. - У яна узоқ юришни давом эттириши учун жуда чарчаган эди.

Америка инглиз тили вариантыда эса *farther* сўзи шу маънода қўлланилади. Фақат *further* шакли «катта, кўп» маъносида ишлатилади:

Don't try my patience any further. - Менинг сабримни кўп синама.

Солиштириш, қиёслаш маъноси бўлмаган ҳолатларда:

He said than he couldn't find it and, further, that nobody would ever find it. - У бу нарсани топа олмаганини, бундан ташқари, уни ҳеч ким ҳеч қачон топа олмаглигини айтди.

Ўрин-пайт ва вақт равишлари, масалан *here, there* ва бошқалар; *today, tomorrow, yesterday* ва бошқалар, қиёсий даражаларга эга эмас.

Инглиз тилида равишлар аҳамияти ва гапдаги функциясига кўра таснифланади. Ўз аҳамиятига кўра инглиз тилидаги равишлар вақт, жой, ҳаракат тарзи, миқдор ва даража, савол ва инкор равишларига бўлинади.

Вақт равишлари феълни тавсифлаб, ҳатти-ҳаракатнинг содир бўлган вақтини билдиради. Уларга қуйидагилар киради: а) маълум бир вақт равиши *now* - ҳозир, шу



пайт; today - бугун, yesterday - кеча, tomorrow - эрта, then - ўшанда, before - олдин, илгари, at night - тунда, since - ўша вақтдан бери ва б) номаълум вақт равиши (ёки қисманлик): always - доим, sometimes - баъзан, ever - қачонлардир, never - ҳеч қачон, often - тез-тез, seldom, rarely - баъзида, камдан-кам, usually - одатда, already - халитдан, yet - яна, хали, still - тамомича, just - фақат ва бошқалар.

Хусусан, still ва yet равишлари эътиборга лойиқ бўлиб, улар ўзбек тилидаги «яна, ҳалиям» деган маънони англатади. Равишлардан still тасдиқловчи гапларда қўлланилади, шунингдек, агар тасдиқловчи жавоб қўйилган бўлса, сўроқ гаплардаям ишлатилади. Равишлардан иккинчиси yet - инкор этувчи гапларда, шунингдек, инкор этувчи жавоб қўйилган сўроқ гапларда қўлланади. Мисол:

It's snowing still.

Are your children still at school? - Yes, they're.

Қор ҳалиям ёгаяпти.

Сизнинг болаларингиз ҳалиям мактабдами? - Ҳа.

She doesn't know about the boy yet.

Have you seen John yet? - No, I haven't.

У хали ўғил бола ҳақида билмайди.

Сен хали Жонни кўрмадингми? - Йўқ.

Жой равишлари феълни тавсифлаган ҳолда жой ёки ҳаракат йўналишини англатади. Уларга: here - бу ерда, бу ерга; there - у ерда, у ерга; far - узок; back (wards) - ортга, орқага; towards, forth - олдинга; inside - ичкарида, ичкарига; within - ичида; outside - ташқаридан, ташқарига; down (stairs) - пастга, пастда; up (stairs) - устига, устида; everywhere - ҳамма жойда; nowhere - ҳеч қаерда, ҳеч қаерга; somewhere - қаердадир, қаергадир, қаердан дир; anywhere - қаергадир, қаердадир; northward (s) - шимолга, шимолда; southward(s) - жанубга, жанубда ва ҳоказо.

Бир нарсани ёдда тутиш лозимки, равиш somewhere тасдиқловчи ибораларда қўлланилади, равиш anywhere эса сўроқ ва инкор гапларда ишлатилади.

Ҳатти-ҳаракат тарзи равиши феълни тавсифлаб, хатти-ҳаракатнинг бажарилиши услубига ишора қилади. Уларга асосан -ly суффикси бор бўлган равишлар киради: quickly - тез; slowly - секин; quietly - сокин, тинч; attentively - эътиборли; hard - катъиятли, жаҳд билан; well - яхши; loudly - шовқин, баланд; closely - яқин; steadily - текис; definitely - муайян; positively - ижобий; negatively - салбий ва бошқалар.

Ушбу гуруҳда шакли тегишли сифатлардан фарқ қилмайдиган равишлар ҳам мавжуд. Уларни фақат гаптаги вазифасига кўра ажратиш мумкин. Мисол:

Сифат: It was early spring.

Эрта баҳор эди.

Равиш: He got up early.

У эрта турди.

Сифат: He drew a straight line.

У тўғри чизик тортди.

Равиш: He went straight home.

У тўғри уйга борди.

Миқдор ва даража равишлари феъл, сифат, равиш ёки сифатдош II кабиларни тавсифлаб, даража, ҳаракат ва белги даражасини ифода қилади. Уларга қуйидаги равишлар киради: very - жуда; nearly, almost - қарийб; hardly, scarcely - зўра; too -



жудаям; enough - етарлича; quite – етарлича, жудаям, совсем; little - кам; much - кўп, анча; just – аниқ, айнан ва бошқалар.

Ёдда тутиш керакки, равиш very сифат ва равишлар билан бирга ишлатилади. Ўтган замон феъллари ва сифатдошлари билан «жуда» маъносида much ёки very much қўлланади:

He is very busy. – у жада банд.

He comes here very often. – у кўпинча бу ерга келади.

I was much surprised at what he said. – Мен у айтган нарсадан жуда хайрон бўлдим.

He works very much. – У жуда кўп ишлайди.

Равиш much тасдиқни ифодалайдиган гапларда одатга кўра a good deal (of), a great deal (of), a lot (of), lots of – “кўп” маъносидаги деган иборалар билан алиштирилади.

Сабаб ва оқибат равишлари: therefore – шундай қилиб, шу тарзда; consequently – оқибатда; so – шундай, шу тарзда, шунинг учун; accordingly – тегишли тарзда, мувофиқ; besides – бундан ташқари; moreover – бундан ташқари; likewise – мувофиқ, муқобил тарзда, худди шундай; nevertheless – бундан ташқари, шунга қарамай; however – бироқ каби сўзлар мураккаб бирикма гапларни бирлаштириш учун қўлланилади ёки қўшимча гапларни асосий гапга улаш учун хизмат қилади. Бу ҳолда улар ўзларининг маъносининг ярмини равиш сифатида сақлаб қолади. Мисол:

It is very cold, therefore I shall not go out. – Жуда совуқ, шунинг учун мен ҳеч қаерга бормайман.

It was late night, so we went home. – Жуда кеч эди, шунинг учун биз уйга жўнадик.

She made no friends, for she was Macready's wife; moreover, Macready did not want her to make friends. – У ҳеч ким билан дўстлашмасди, чунки у Макридининг хотини эди; бундан ташқари, Макриди унинг бирор бир киши билан дўстлашишини истамасди.

Инглиз тилида шу билан бирга равишларни қиёслаш даражалари (The Degrees of Comparison of Adverbs) ҳам мавжуд. Улар сифатларнинг даражаларини қиёслаш каби шаклланади.

Бир хил мураккабликдаги равишлар қиёсий даражани –er суффиксини қўшиш орқали пайдо бўлади, орттирма даража эса –est (the артиклиз) суффиксини ижобий даража шаклига қўшиш орқали ясалади. Шу билан бирга қиёсий даражани икки мураккаб равиш early – “эрта” равишиям ясайди.

Уларнинг иккаласи ҳам қиёслаш учун ишлатилади. Сифат икки нарсани қиёслаш учун зарур бўлганида (қиёсий даража) ёки бирор бир аломат ёки белги бирон нарсада энг катта ёки энг кичик даражада пайдо бўлишига ишора қилиниши керак бўлганида (орттирма даража) хизмат қилади. Равиш ҳам қиёслаш ёки афзалликни таъкидлаш учун ишлатилади, бироқ фарқи шундаки, унга хатти-ҳаракатнинг давомийлиги характери кизикрокдир.

Tom runs faster, than Jack does – Том Жекка нисбатан тезроқ югуради (қиёсий даража)

During the meeting Ann spoke loudest – Митинг вақтида Анна ҳаммадан баландроқ гапирарди (орттирма даража)

Бир хил мураккабликдаги равиш. Инглиз тилида қиёсий ва орттирма даража бир бўлганидан иборат бўлса, улар –er ва –est суффикслари ёрдамида ясалади:

Late – later – latest (кеч – кечроқ – жудаям кеч)

High – higher – highest (баланд – баландроқ – ҳаммасидан баланд)



Ҳамма равишлар ҳам қиёсий даражани ясай олмайди. Худди шундай, жой равиши (somewhere – қаердадир), вақт равиши (then – ўша пайт) ва ҳаракат тарзи равиши (somehow – қандайдир) қиёсий даражага эга эмас.

Инглиз тилида икки ёки ундан ортиқ сўзлар, бўгиндан ташкил топган равишлар – ly суффиксига тугайди, қиёсий даражани уларга more/less (кўпроқ/камроқ) ва most/least (энг кўп/энг кам) сўзларини қўшиш орқали ясалади:

Properly – more properly – most properly (тўғри – кўп тўғри – энг тўғри)

Constantly – more constantly – most constantly (доим – кўпинча доим – аксарият доим)

Мураккаб равишларнинг кўп сонли рўйхати орасида бир қатор икки йўл билан қиёсий даража ясаладиган сўзлар ажралиб туради. Улар суффиксал ёки more/less (кўпроқ/озроқ) ва most/least (энг кўп/энг кам) каби сўзлар билан ясалади: early (earlier/more early), loudly (louder/more loudly), quickly (quicker/more quickly), slowly (slower/more slowly).

Инглиз тилида градуацияда истисно ҳам бўлади. Сифат ва равишлар яна бир нарсада – истиснода ўхшашдир, улар уникал ҳолда қиёсий даражаларни ясайди. Уларни тилшунослар “Инглиз тилида қиёсий даража равишлари” жадвали орқали келтиради:

Масалан, well – better – best

Badly – worse – worst

Much – more – most

Little – less – least

Far – farther/further – farthest/furthest

Инглиз тилида орттирма даража равишга –est суффиксини қўшиш ёки унинг олдига қўшимча most равишини қўйиш орқали ясалади. У уч ёки ундан ортиқ ҳаракатларни қиёслаш учун ҳам ишлатилади. Маълум бир аломат намоён бўладиган энг катта ёки энг кичик даражани белгилаш учун ҳам қўлланади, яъни бунда ҳаракатлардан бири ажратиб кўрсатилади (nearest – ҳаммасидан яқин, most loudly – ҳаммадан баланд).

Ижобий даража: come near, speak loudly

Қиёсий даража: come nearer, speak more loudly

Орттирма-қиёсий даража: come nearest, speak most loudly

Мисоллар:

Diego Maradona used to run very fast. – Диего Марадона аввал жуда тез чопар эди.

Young football players run faster than Maradona. – Ёш футболчилар Марадондан кўра тезроқ югурадилар.

Cristiano Ronaldo runs fastest of all football players, in accordance with Daily Mail. – Криштиану Роналду барча футболчилардан кўра тезроқ югуради, «Дэйли Мэйл» газетасининг фикрига қараганда.

Орттирма даражадаги равишдан кейин of билан гап келадиган бўлса, равиш ҳам артиклиз, ҳам артикл билан the ишлатилиши мумкин. Ушбу гап бирикмаси бўлмаса артикл ишлатилмайди. Масалан:

Which of the boys works best (of all)? – Бу болалардан қайси бири ҳаммадан кўра яхшироқ ишлайди?

I work best in the morning. – Мен ҳаммасидан кўра эрталаб яхшироқ ишлайман.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, инглиз тилидаги градуация кўпинча равиш ва сифатларда намоён бўлиб, улар ҳам учта қиёсий даражага эга: ижобий (positive degree), қиёсий (comparative degree) ва орттирма (superlative degree). Шунинг учун инглиз тили

грамматикаси осон туюлгани билан, жуда мураккаб жихатларига эга. Шу маънода, инглиз тилини ўрганишда градуацияга эътибор бериш, унинг ўзига хос жихатларини ўрганиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли дугати. 2 томлик, Москва: 1981.
2. Гордон Е. М., Крылова И. П. Грамматика современного английского языка. 3-е изд., испр. и доп. Москва: Высшая школа, 1986.
3. Фурс Л. А., Назарова И. В. Когнитивные аспекты формирования категории градуальности // Вопросы когнитивной лингвистики. 2008. № 4. -С. 33–37.
4. Орифджонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуация. НДА, Тошкент: 1996.
5. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. Москва: 1978.
6. Большой энциклопедический словарь. Языкознание / гл. ред. В. Н. Ярцева. – 2-е изд. М.: Большая Российская Энциклопедия, 1998.
7. Krantz, Judith. Scruples. – N. Y.: Bantam Books, 1992. 574 p.
10. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. Oxford : Bloomsbury Publishing Plc, 2006. 1692 p.

COMMUNICATIVE LANGUAGE APPROACH TO TEACHING, TESTING AND ASSESSING LANGUAGE

Qutliyeva Mukhayyo Gulomovna
ESP Teacher of the Bukhara State University
daqotys@mail.ru

Abstract: The article is dedicated to the development of strategic competences of English language students. It highlights the importance of developing communicative language teaching approaches by combining all skills and competences, and provides strategic competencies to enhance students' speech. The methods given in the article serve to develop students' linguistic, pragmatic, strategic, socio-linguistic skills. It also provides practical insights on how to provide effective feedback in developing students' oral skills.

Key words: language, strategic competences, action-oriented approach, CEFR, The CLA, descriptive categories three forms of variability

TILNI O'RGATISH, TEKSHIRISH VA BAHOLASHGA KOMMUNIKATIV TIL YONDASHUVI

Qutliyeva Muxayyo Gulomovna
Buxoro davlat universitetining ESP o'qituvchisi
daqotys@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqola ingliz tili talabalarining strategik kompetensiyalarini rivojlantirishga bag'ishlangan. U barcha ko'nikma va malakalarni o'zida mujassamlashtirgan holda til o'rgatishning kommunikativ usullarini ishlab chiqish muhimligini ta'kidlaydi va o'quvchilar nutqini rivojlantirish uchun strategik kompetensiyalarni beradi. Maqolada keltirilgan usullar o'quvchilarning lingvistik, pragmatik, strategik, ijtimoiy-lingvistik ko'nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Shuningdek, o'quvchilarning og'zaki nutqini rivojlantirishda samarali fikr-mulohazalarni ta'minlash bo'yicha amaliy tushunchalar beradi.